

## ОИЛАДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ПОЗИТИВ МУҲИТГА ТАЪСИРИ

*Нарбашева Мехри Ачиловна,  
психол.ф.и., доцент ТерДПИ Психология кафедраси мудири  
Амонов Абдулазиз Икром ўғли  
ТерДПИ Педагогика ва психология йўналиши З курс талабаси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада оила маънавиятиниң оила мустаҳкамлигига таъсири, оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантиришида ота-онанинг ўрни ва вазифалари, оила маънавияти психологияси ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган.

**таянч сўз ва иборалар:** оила, маънавият, оилавий қадрият, нотинч оила, ота-она, таълим, тарбия, шахсий намуна

**Аннотация.** В данной статье рассматривается влияние семейной духовности на крепость семьи, роль и ответственность родителей в формировании здоровой духовной среды в семье, психология семейной духовности.

**ключевые слова и фразы:** семья, духовность, семейные ценности, неблагополучная семья, родители, образование, воспитание, личный пример

**Annotation.** This article examines the influence of family spirituality on the strength of the family, the role and responsibility of parents in the formation of a healthy spiritual environment in the family, and the psychology of family spirituality.

**key words and phrases:** family, spirituality, family values, dysfunctional family, parents, education, upbringing, personal example

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2024 йил 7 март қуни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда сўзлаган нутқида аёлларга мурожаат этиб “оилалар мустаҳкамлиги ва фарзандлар тарбиясида сизларга ишонаман, бола тарбиясига эътибор бериш, боғча ва мактабларга бориб фарзандлар ўқиши билан қизиқишда аёллар етакчи бўла олади” дедилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 марта “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли фармонида оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва уларнинг фарновонлик даражасини ошириш бош

масалалардан бири сифатида белгиланган. Бугун жамиятда оиласвий келишмовчиликлар, оила аъзолар ўртасидаги вужудга келаётган турли низолар сабаб оиласларда носоғлом мухит кузатилмоқда. Бундан ташқари оиласларнинг ижтимоий-иктисодий барқарорлигини таъминлашга эришиш учун ҳам оиласнинг маънавиј-рухий мухити ижобий бўлишлиги лозим.

Мамлакатимиз истиқболи, келажаги учун оиласлар мустаҳкамлиги, фаровонлиги ва ўсиб келаётган фарзандлар келажагини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг бир қатор қарор ҳамда фармонлари эълон қилинди. Унга кўра, янги тузилма ва таркибининг ўз йўналишлари бўйича ишларни тўлақонли амалга оширилиши борасида кенг имкониятлар яратилганлиги ва шахсан Юартбошимиёнинг фармон ижроси юзасидан барча бўғиндаги раҳбар ходимларга алоҳида топшириклар берганлиги ҳар бир оиласлардаги кичик муаммолар ҳам бартараф этилишини таъминлаш омили бўлмоқда. Мухтарам Президентимиз “Оила кичик Ватан, оила тинч бўлса, баҳтли бўлса, Ватан тинч бўлади” деган фикрларида катта фалсафа бор. Оиласларнинг тинчлиги албатта оиладаги маънавиј мухит барқарорлигига боғлиқ. Оиладаги маънавиј иқлимининг ижобий бўлишлиги ота-онанинг маънавиятига боғлиқдир. Агар, ота-оналар юксак маънавият эгалари бўлса, бундай оилада тарбияланётган фарзандлар баҳтли ва баркамол шахс бўлиб камол топиши муқаррар, албатта. Минг афсуски, бугун маҳаллаларимизда нотинч ва ноқобил деб номланувчи оиласларимиз учраб туради.

Тарихга назар ташласак, муқаддас “Авесто”да, буюк бобокалонларимиз Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий асарларида баркамол шахсни тарбиялашда ота-онанинг ўрни бекиёс эканлиги таъкидланган. Хусусан, Форобийнинг фалсафий таълимотида маърифатли энг яхши ахлоқий фазилатларнинг ўзида мужассам этган ота-онагини баркамол, маърифатли фарзандларни вояга етказиш эътироф этилган. Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам ўз чиқишлирида ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ошириш, ота-оналик бурчи ва вазифалари хусусида куюнчаклик билан гапирмоқдалар.

Бугунги давр ота-оналарининг ўзига хос ижобий фазилатлари ҳам салбий жиҳатлари мавжудки, бу албатта оиладаги фарзанд тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди.

Ҳар бир оиласнинг ўзига хос бўлган маънавиј мухити мавжуд. Бу мухитнинг соғлом ва маънан етуклиги оила боши бўлган ота-онанинг педагогик-психологик саводхонлик даражасига, иймон-эътиқодига боғлиқ. Оила деб аталмиш сирли қўрғонда миллатимиз давомчилари

бўлган фарзандлар тарбияланар экан, уларни комил шахс сифатида шаклланиши учун оила дастлабки маънавият ўчоғи бўлмоғи лозим. Кўпинча, маънавият ўчоғи дейилганда таълим муассасалари тушунилади, кўз олдимиизда гавдаланади. Чунки, узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида ёш авлодни маънан етук, ақлан комил ва жисмонан бақувват бўлиши учун саъи-ҳаракатлар амалга оширилади. Ва, бунинг учун ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган, ёшларимиз учун кенг имкониятлар эшиги очиқ. Аммо, янги дунёга келган чақалоқ оилада илк тарбияни олади, дастлабки инсоний муносабатларни оила мұхитида қарши олиб, илк сўзларни оила-аъзоларига ином этади, дастлабки “яхши-ёмонни” оила мұхитида фарқлайди. Бизнингча, оиланинг маънавий дунёсини такомиллаштириш учун зарур руҳий хотиржамлик, ибратли руҳий муносабат, ўзаро тотувлик яратилган бўлиши зарур. Ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ширинаханлик, бир-бирига ғамхўрликнинг мавжуд бўлиши боланинг маънавий дунёсига ижобий шаклланишига таъсир қиласди. Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириш керакки, болалар тарбиясида асосий таъсирчан куч-қудрат, бу – Онадир. Буюк давлат ва сиёsat арбоби, мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов айтганлариdek: “Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиласиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналардир”. Шундай экан, оила мұхити, қолаверса, болаларнинг келажаги, уларнинг руҳий дунёси ижтимоий тасаввурларининг ижобий ва бой бўлиши кўп жиҳатдан оналарга боғлиқ. Тарихдан маълумки, онасидан эшитган достонлару-ривоятлар таъсирида катта ёзувчи-ижодкорлар етишиб чиққан. Шунинг учун оналар болани илк ёшиданоқ китоб билан ошно қилиш, халқ оғзаки дурдоналаридан баҳраманд этиш, муомала ва меҳнатсеварликда шахсий намуна-ибрат кўрсатиш орқали маънавий комилликка эришишга ёрдам бермоғи лозим.

Шунингдек, оилада бўш вақтни тўғри ва самарали режалаштириш, оила-аъзоларининг барчаси учун фойдали бўлган юмуш ва машғулотлар билан шуғулланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу ишда албатта, оналар кўпроқ ташаббусни қўлга олмоғи, ҳар бир фарзанднинг қизиқишилари ва қобилиятларини инобатга олиб машғулотни танлай билиши ва фарзандларга ўз таклифини билдиromoғи лозим. Айниқса, мактабгача, бошланғич ва ўрта мактаб ёшидаги болалар билан телекўрсатувларни биргаликда томоша қилиш, биргаликда фикрлашиш

ота-она билан фарзанд ўртасида самимий муносабатлар шаклланишига ёрдам беради. Бунда ота-оналар фарзандининг дунёқарашини, турли воқеликларга муносабатларини, билим даражасини таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади.

Фарзандлар ота-онасининг юриш-туришларини, муомаласини, қўшнилари, ўртоқлари билан қандай гаплашишларини кузатадилар. Шунинг учун ёш болалар олдида мақтаниш ёки бошқаларни ғийбат қилиш мутлақо ёмон одат бўлиб, болаларга салбий таъсир кўрсатади.

Агар боланинг отаси ёки онаси бошқаларга нисбатан қўпол, бадфеъл бўлса, сержаҳл бўлса, арзимаган нарсалар устида ғавғо кўтарса, ўз боласининг асабини бузади, бу ҳол боланинг психикасига ёмон таъсир этади. Бундай шароитда ахлоқий ва эстетик тарбияга ўрин қолмайди. Болаларда юксак ҳисларни таркиб топтириш, комил шахс сифатида вояга етказиш учун оиласидаги катталар ўзлари ахлоқий меъёрларга тўла амал қиладиган кишилар бўлишлари лозим.

Оилада болаларни саранжом-саришталикка, озодаликка ўргатиш, ўз буюмларини, кийим-кечакларини эҳтиёт қилишга одатлантириш уларда интизомни тарбиялабгина қолмай, балки бошқаларнинг меҳнатини қадрлаш ва ҳурмат қилишга ўргатади.

Оилада ота-онанинг биргаликдаги ўзаро муҳаббати асосида қурилган оилани муқаддас сақлаш, уни моддий ва маънавий барқарорлигини таъминлашда ҳамкор ва ҳамфир бўлиш асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Оиладаги маънавий соғлом муҳитни яратиш ҳам ота, ҳам онага боғлиқ. Баъзан жаҳл чиққанда бир-бирини тушуниш ва эъзозлаш, бир-бирига ишонч, меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, фарзанд тарбиясида бир хилда маъсуллик ота-онанинг оила олдидаги бурчидир. Оила аввало маънавият ўчиғи сифатида мурғак қалб эгалари бўлмиш фарзандлар келажагини таъминловчи инсонпарварлик, оилапарварлик каби ижобий хислатларни, фазилатларни тарбиялаш лозим. Бунинг учун ота-оналар кенг дунёқараашга эга, миллатимизга хос бўлган қадриятларини билиши, буюк аждодларимиз маънавий меросларидан боҳабар бўлмоғи, шунингдек, замонавий ва халқ педагогикаси илмини ўзлаштиришлари мақсадга мувофиқдир. Зоро, шахснинг маънавиятига пойdevor оилада қўйилади, ва фарзанд маънавиятининг юксак бўлишида ота-онанинг шахсий намунаси энг муҳим омил саналади.

Хулоса ўрнида демоқчимизки, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга оид қатор ишлар баробарида бўлажак ота-

оналарга, ёш ота-оналаримизга, фарзанд камол топаётган оилаларга маънавий камолат ва баркамоллик сабоқларини сингдириб бориш бош масала бўлмоғи лозим. Маънавий комиллик бўлган хонадон тинч, фарзандлари эса баҳтиёр бўлади, барчамизнинг асосий мақсадимиз ҳам айнан шунга эришишдир. Энг асосийси оилавий низолар камаяди ёки барҳам топади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли фармони ( 01.03.2022 )
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 2 февралдаги №5325-сон Фармони
3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас қуч. Т., 2018
4. Норбошева М.А. Оилада маънавий тарбияни такомиллаштиришда мумтоз асарларнинг ўрни\\ ж.Педагогика ва психологияда инноватсиялар . 2020 -3-сон, 8-жилд. 15-21 б